

## ШАРТНОМА № 30

Андижон шаҳар

25.07.2022

Ўз Низоми асосида фаолият кўрсатаётган ва кейинги ўринда “СОТУВЧИ” деб юритиладиган “МУРТАЗО-НИ” хусусий корхонаси раҳбари **Н.Нарбоев** шахсида бир томондан, ўз Низоми асосида фаолият кўрсатаётган ва кейинги ўринларда “ХАРИДОР” деб юритиладиган Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ номидан раҳбари шахсан С.Ж.Зингиров иккинчи томондан мазкур ҳисоб шартномани қуйидаги мазмунда туздилар

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

“СОТУВЧИ” қуйидаги рўйхатда кўрсатилган товарларини, белгиланган нарх ва миқдорда сотиш, “ХАРИДОР” эса сотиб олиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладилар:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Бумага туалетная	Упак	150	45 000	6 750 000
2	Половая тряпка	М	158	5 400	853 200
3	Веник	Шт	30	40 500	1 215 000
4	Веник	Шт	30	31 500	945 000
	<b>Жами:</b>				<b>9 763 200</b>

Шартноманинг умумий баҳоси: **Тўққиз миллион етти юз олтимиш уч минг икки юз сўм**

### 2. ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ТЎЛОВЛАР АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБЛАРИ

2.1. “ХАРИДОР” мазкур шартнома имзолангандан сўнг 5 банк куни давомида шартнома умумий қийматининг 30 % ни олдиндан тўлаб беради.

2.2. Шартномада кўрсатилган нархлар тузилгандан сўнг 30 банк куни давомида амалда бўлади. Етказиб бериладиган товар учун нарх ўзгарган тақдирда бу ҳолат ҳар икки томоннинг қўшимча келишуви билан тасдиқланиши зарур.

2.3. “ХАРИДОР” томонидан тўловни амалга ошириш пул ўтказиш учун белгиланган муддатдан 5 банк кунидан ортиб кетган тақдирда “СОТУВЧИ” нархни ўзгартиришига ёки товарни сотишдан бир томонлама ҳолатда бош тортиб, олинган маблағни тузилган далолатномага асосан қайтариб юборишга ҳақлидир.

2.4. “СОТУВЧИ” ўз ҳисоб рақамига пул келиб тушган кундан бошлаб 5 банк куни давомида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.5. Товарни олиб қолиш тартиби “СОТУВЧИ” омборига келиб тушганлиги ҳақида телефон ёки факс орқали “ХАРИДОР” ни хабардор қилгандан сўнг уч кун ичида ўз транспорти билан олиб чиқиб кетади.

2.6. “ХАРИДОР” томонидан товарни сифатига бўлган норозилик талаби товар олинган кундан бошлаб 15 кун ичида амалга оширилиши зарур.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Товарни белгиланган вақтида етказиб бермаганлиги учун “СОТУВЧИ” “ХАРИДОРГА” га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир куни учун етказиб берилмаган

товарнинг кийматидан 100% миқдориди, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган миқдориди жарима тўлайди.

#### 4. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома ҳар икки томондан имзолангандан сўнг кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амалда бўлади.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБЛАРИ.

5.1. Мазкур шартнома мажбуриятларини бажариш давомида юзага келадиган барча низолар ўзаро келишув орқали амалга оширилади. Бундай келишувга келинмаган тақдирда низолар иқтисодий суди ажрим асосида хал этилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

6.1. Томонлар форс-мажор ҳолати юзага келган тақдирда ўзига олган мажбуриятлигини бажаришдан тўлиқ ёки қисман озод қилиниши мумкин. Форс-мажор ҳолати деб шартнома имзолангандан сўнг қабул қилинган турли қарорлар, меъёрий олинган мажбуриятларни бажара олмаслик ҳолати тушунилади.

#### 7. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

7.1. Шартнома ҳар икки томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин. Шартнома бир томондан бекор қилиниши фақатгина амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилишига йўл қўйилади. Шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар, улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва икки томондан тасдиқлангандан сўнггина кучга киради. Мазкур шартномага илова қилинган барча ҳужжатлар учун ажралмас қисми ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланади.

Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

«СОТУВЧИ»

"Муртазо - НН" хусусий корхона

Манзил: Андижон ш. "Дукчи Эшон" кўча 10<sup>А</sup>-уй

Х/р: 20208000704277174001

Банк: Инфин Банк Андижон вилоят филиали

МФО: 01114

ИНН: 204647451

ОКЭД: 46439

Тел: 228-42-07 93 446 00 06

Рахбар:

Норбоев Н.

«ХАРИДОР»

Андижон вилояти ИИБ ЙХХБ

Манзили: Анд.ш. А.Темур кучаси 1-уй

МФО:00016      ИНН:201122919

Х/Р: 401010860034917031101179003

Анд.в. бўйича Ғазначилик бошқармаси

Рахбар:

Ш.Ж.Усмонов

